

---

## КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

туманимизда Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 29 йиллиги кенг нишонланди

Ҳар бир тирик жонзоднинг яшашдан мақсади, ҳар бир мавжудотнинг келажакда кутиб қоладиган матлаби, ҳар бир хонадонинг эса ўзига хос яшаш тарзи, урф-одатлари, ўзига хос тартиб -қоидалари, ўзига хос орзу-умидлари бўлади. Ҳар бир давлатнинг ҳам ўз ўрнида ана шундай тартиб-қоидалари, эзгу умидлари ва истаклари, мақсадларини рўю-рост ифодаловчи юзи - Конституцияси мавжуд бўлади. Худди шунингдек, бизнинг давлатимизнинг ҳам юзи, мақсадларимизнинг маънавий тимсоли бу - Конституциямиздир.

Бугун "Найман" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Маданият маркази"да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда тумандаги секторлар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни туман ҳокими А.Джурабаев очиб, йиғилганларни Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 29 йиллиги билан муборакбод этди. Шунингдек, тантанали маросимда туман адлия бўлими бошлиғи Я.Зулпихоров сўзга чиқиб, Конституциямизда белгилаб қўйилган қоидалар, уларнинг жамиятимиз ривожини, фуқароларимизнинг яшаш тарзида тутаётган ўрни ҳақида таъкидлаб ўтди. Шунингдек мамлакатимизнинг Бош Қомусида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва мажбуриятлари акс этган қоидаларга алоҳида тўхталиб, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини янада юксалтириш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари мунтазам ҳамкорликда фаолият олиб боришлари зарурлигига эътиборни қаратди.

Туман маданият бўлими ходимлари ва "Райҳон" ашулла ва рақс халқ дастаси санъаткорларининг ҳамда "Мақом" ансамблининг бадий чизишлари тадбирга файз-тароват олиб кирди. Байрам тадбирлари барча таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилди.

*Тошлоқ тумани ҳокимлигининг Ахборот хизмати.*

2021-12-07 21:27:55